

Сийрат дарслари (162-дарс) Хамр даво эмас, дарддир!



19:00 / 03.12.2021 4655

593. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари жароҳатланди. Тўртинчи тишлари синдирилди. Бошларидаги дубулғалари синдирилди. Алий қалқонда сув олиб келар, Фотима бўлса, қонни ювар эди. У қоннинг кўпаяётганини кўриб, бўйрани олди-да, куйдириб жароҳатга босди. Шунда қон тўхтади».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

594. Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ториқ ибн Сувайд Жуъфий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан хамр ҳақида сўради. У зот қайтардилар ёки уни тайёрлашини ёқтирмадилар. Шунда у: «Даво учун тайёрлайман, холос», деди. **«Йўқ! У даво эмасдир, у дарддир!»** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

595. Авф ибн Молик Ашжаъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Жоҳилият даврида дам солар эдик. «Эй Аллоҳнинг Расули, бунга нима дейсиз?» дедик. **«Менга дам солишингизни кўрсатинг-чи? Модомики ширк бўлмаса, дам солиш ҳеч нарса эмас»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

596. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биздан бирор кишининг тоби қочса, уни ўнг қўллари билан силаб, **«Азҳибил баъса Роббан-нааси. Вашфи, анташ-шаафий, лаа шифаъа иллаа шиффаъука, шифаъун лаа юғодиру сақман»**ни ўқир эдилар. У зотнинг ўзлари хаста бўлиб, оғирлашиб қолганларида ўзлари қиладиганга ўхшатмоқчи бўлиб, қўлларидадан ушладим. Шунда у зот қўлларини қўлимдан тортиб олдилар. Сўнгра: **«Аллоҳим, мени мағфират қилгин. Мени Рафиқи Аъло билан бирга қилгин»**, дедилар. Кейин қарасам, қазо қилибдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дам солсалар: **«Имсаҳил баъса, Роббан-нааси, би ядикаш шифаъу, лаа кашифа лаҳу илла анта»**, дер эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан